

Давергеодезкадастр қўмитасининг

1097 «Ишонч телефони»

РЕГЛАМЕНТИ

1. «Ишонч телефони» орқали тушадиган мурожаатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби

1.1 «Ишонч телефони» орқали мурожаатлар бутун Ўзбекистон ҳудудида 1097 телефон рақамига кўнғироқ қилиш йўли билан амалга оширилади. Кўнғироқ бепулдир.

1.2 «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларни қабул қилиш учун махсус операторлар хизматлардан фойдаланиш мумкин.

1.3 «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларни тўплаш ва умумлаштириш учун телефондаги сўзлашувларни ёзиш функцияси билан жиҳозланган тизимдан фойдаланилади.

1.4 «Ишонч телефони» орқали мурожаат қилишда жисмоний ва юридик шахслар, тадбиркорлик субъектлари фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни, ўзлари ифодаладиган корхона номи, тадбиркорлик субъектининг номини, жавоб юборилиши керак бўлган почта манзилини, қайта боғланиш учун телефон рақамини маълум қилиши, шунингдек мурожаатнинг моҳияти ва мазмунини баён қилиши шарт.

2. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

2.1 «Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатлар зарур ҳолларда мурожаатда кўрсатилган ҳолат тадбиркорлик субъектини жалб этган ҳолда жойнинг ўзига чиқиб ўрганилиши мумкин.

2.2 Кўриб чиқилиши Давергеодезкадастр қўмитаси ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича «ишонч телефони» орқали мурожаатлар тушган тақдирда, «Ишонч телефони» масъул ходимлари томонидан белгиланган тартибда тушунтириш берилади ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш тавсия қилинади.

3. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатлар натижаси

«Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатлар натижасини мурожаат вақтида ёки мурожаат кўриб чиқилиши натижасида жавоб оладилар.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз сўровларига мувофиқ www.ygk.uz сайти орқали умумий саволлар ва «Ишонч телефони» орқали келиб тушган кўнғироқлар ва уларга кўйилган баҳолар бўйича умумий статистик маълумотлар тўғрисида ахборот олади.

4. Жисмоний ва юридик шахсларга ахборот бериш тартиби

Умумий саволлар ва «Ишонч телефони» орқали келиб тушган кўнғироқлар ва уларга кўйилган баҳолар бўйича маълумотларни:

Умумий саволлар, 273-84-01,

«Ишонч телефони», 1097.

Фуқароларга хизмат кўрсатишни амалга оширадиган жойнинг манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, С мавзе орқали олиш мумкин.

5. Мурожаатларни қабул қилиш

Иш вақти: кун давомида 24 соат ва хафтада 7 кун.